

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (10.900)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги Шукур Бурхонов маҳалласида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамкорликларида Халқаро оила кунига бағиш-лаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Спорт — миллатни улуглайди» деб номланди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 21-мактабда Оила кунига бағиш-лаб «Оила муқаддасдир» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари ҳамда туман «Оила» маркази ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳар «Оила» маркази, шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида «Оила — муқаддас Ватан» мавзусида тадбир ўтказилди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида макур илм маскани ташкил этилган кун муносабати билан уюштирилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **АБУ** Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида талабалар, ўқитувчилар, Сингапур менежментини ривожлантириш институти вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир маданий-маърифий соҳада икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ХАЛҚИМИЗДА «ИШ БИЛАНГА МИНГ ТАНГА», ДЕГАН АЖОЙИБ НАҚЛ БОР. ЧИНДАН ҲАМ БУГУНГИ КУНДА ЎЗ ҒОЯЛАРИНИ ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОР УЧУН ЯРАТИЛГАН ҲАР ТОМОНЛАМА ИМКОНИАТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗ МУВАФФАҚИАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА МУҲИМ ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА.

Кичик бизнес

ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР

Буни ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиб, сифатли ҳамда рақобатбардош, шунинг баробарида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаётган, шу асосда ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиб, хориж бозори сари дадил оқимлаётган корхоналар мисолида яқол кўришимиз мумкин. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TALVANA» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий эркалар кийим-кечаклари ана шундай харидорини топаётган маҳсулотлар сирасига кирди. «KHAMZA» товар ёрлиги билан сифатли маҳаллий ва хориж ма-толаридан фойдаланган ҳолда тикилаётган турли моделдаги эркалар костюм-шимлари, пиджак ва куртқалар нафақат талабга жавоб беради, балки ҳар қандай харидор дид ва эҳтиёжини ҳам қондиради.

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилган, — дейди корхона раҳбари Ҳамза Ушвақов. — Бу эса соҳа ривожига, рақобатбардош маҳсулотларнинг хорижийи билан бемалол тенглаша олишига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини бандлиги ва фарвонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишни энг

муҳим устувор йўналишлардан бири этиб белгилади. Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ҳамда унинг асосий даромад манбаи бўлган му-

алоҳида эътибор қаратганми.

Бугунги кунда корхонанинг юксак унумли дастгоҳлари, яъни Япониянинг «BROTHER» фирмаси машиналари маҳсулот сифатини таъминлашда дизайнер-модельер ҳамда моҳир чебарларга қўл кел-моқда. Лекин бу билан чекланиб қолмасдан, тадбиркорлар Япониядан яна янги ускуналар келтиришмоқда. Уларнинг юқори унумидан фойдаланган ҳолда эркаларнинг янги турдаги либослари билан бир қаторда, аёллар учун шимлар тикиш ҳам режаланмоқда. Бунинг учун эса туркиялик малакали мутахассисларни таклиф этиб, уларнинг тажрибасини мукамал ўрганиш кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу корхонада тайёрланаётган эркалар либосларининг мавсумий турлари харидорларга, албатта манзур бўлади. Чунки улардаги классик стил, Европа дизайни, тикишдаги маҳорат, исталган турдалиги, матоларнинг сифати, ҳамма ўлчовларнинг мавжудлиги, маълум нарх бунинг асосий кафолатидир. Бир сўз билан айтганда эса «TALVANA» тадбиркорлари ўз марказлари билан ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўрин эгаллашни ният қилишган. Шу боис ҳам уларни иш кўзини билганлар сирасига киритиш мумкин. Бу эса, албатта ниятлари ижобатида муҳим роль ўйнайди.

Шарифа ИЛЁSOVA
СУРАТЛАРДА: сифатли асосий сизон санаган чевар Феруза Фозилова сидкиддан меҳнат қилмоқда; чехдаги маҳсулот тайёрлаш жараёни.

Аъло Абдуллаев олган суратлар



хим бўғинга айланаётганини алоҳида таъкидлади. Албатта, бу бизни руҳлантиради, изланиб меҳнат қилишга, маҳсулот турларни кўпайтиришга, ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга ундайди. Бунинг учун эса хориждан ана шундай импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўл келадиган, ишчи-хизматчиларнинг ҳақиқий мададкори бўладиган ускуна ва дастгоҳлар келтириш зарур бўлади. Шу асосда, албатта қўшимча цехлар очилади, ишчи ўринлари ҳам яратилади. Биз ана шунга ҳаракат қилаёلمиз. Шунингдек, хорижий дастгоҳларни бошқарадиган кадрлар тайёрлашга

нинг мавжудлиги, маълум нарх бунинг асосий кафолатидир. Бир сўз билан айтганда эса «TALVANA» тадбиркорлари ўз марказлари билан ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўрин эгаллашни ният қилишган. Шу боис ҳам уларни иш кўзини билганлар сирасига киритиш мумкин. Бу эса, албатта ниятлари ижобатида муҳим роль ўйнайди.

Шарифа ИЛЁSOVA
СУРАТЛАРДА: сифатли асосий сизон санаган чевар Феруза Фозилова сидкиддан меҳнат қилмоқда; чехдаги маҳсулот тайёрлаш жараёни.

Аъло Абдуллаев олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

ПОЙТАХТДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 14 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, СИЁСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ ВА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ, РОССИЯ ТОМОНИДАН САНОАТ БЎЙИЧА ФЕДЕРАЛ АГЕНТЛИК, СТРАТЕГИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ, САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА РОССИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини, бунда президентлар — Ислам Каримов ва Владимир Путин 2005 йил ноябрь ойида имзолаган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мустахкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Россия Федерацияси Саноят бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшин Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ тарзда ривожланиб бораётганини, алоқаларнинг қамрови йилдан-йилга кенгаётганини қайд этди.

Россия Федерацияси Саноят бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшин Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ тарзда ривожланиб бораётганини, алоқаларнинг қамрови йилдан-йилга кенгаётганини қайд этди.

Россия Федерацияси Саноят бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшин Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ тарзда ривожланиб бораётганини, алоқаларнинг қамрови йилдан-йилга кенгаётганини қайд этди.

га тааллуқли. 1997 йилдан Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг март ойида Москвада унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтган эди.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 51,3 фоиз ўсиб, 3,117 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани ҳамкорлик муваффақиятли давом этаётганига ёрқин мисолдир. Эътиборли томони шуки, Ўзбекистон экспортида юқори даражадаги қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ва хизматлар салмоғи тобора ошмоқда. 2005 йилда бу борадаги кўрсаткич 76 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йили 80 фоиздан ошди. Россия компаниялари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро аҳамиятга молик иқтисодий тадбирларда фаол қатнашмоқда. Хусусан, халқаро пахта ярмаркасида, минитехнологиялар, агро-саноат маҳсулотлари кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан

зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 300 миң тоннадан ошмасди.

Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони беш юздан ошди. Улар орасида «Петромарузгаз» (кимёвий маҳсулотлар), «Вим-Билл-Дан - Тошкент» (сут маҳсулотлари), «Балтимор-Челак» (консерва), «Элимпекс» (тўқимачилик), «Электроизолит» (курилиш материаллари) каби корхоналар айниқса муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юртимизда 132 Россия фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Айни пайтда уларнинг сони уч юзга яқинлашиб қолди. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, сугурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноятнинг қўллаб бошқа тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодийнинг деярли барча соҳаларида самарали

ҳамкорликни ривожлантириши мумкинлигини таъкидлашди. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурлаш таъминоти, машинасозлик, ускунасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ўқилги-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда «Газпром» ва «Лукойл» компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерациясининг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Бизнес-форум қатнашчилари ёқилги-энергетика мажмуи, аграр сектор, саноат ва машинасозлик, енгил саноат соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид мавзуларда фикр алмашди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, озиқ-овқат

саноати, фармацевтика, электротехника, сайёҳлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишлар ҳамкорлик учун аънаваный саналса, сугуш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачилик ва чорвачилик нисбатан янги соҳалардир.

Мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳам икки томонга катта фойда келтиради. Ўзбекистонда йилга 10 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Бу микдор мева-сабзавотни қайта ишлайдиган қўшма корхоналарни кўпайтириш, тайёр маҳсулот экспорти ҳажминини ошириш имконини беради.

Бизнес-форумда иштирок этган Россия делегацияси сафида тўқсонга яқин федерал ва минтақавий микёсдаги фирма ва компания раҳбарлари бор. Уларнинг барчаси янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдори. Демак, бизнесменларнинг мулоқоти ўнлаб янги лойиҳалар учун имконият яратди. Бу эса Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ва БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида пойтахтимизда инновацион ахборот воситалари ва материаллари ёрдамида гўдақларнинг парваришига ёндашувни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар бошланди. Ушбу тадбир 18 майгача давом этади.

● Нукусда Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгазининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

● Бугун Бухорода ақлий ва жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган болалар ўртасида махсус олимпиада ўйинлари (Special Olympics)нинг очилиш маросими бўлиб ўтади.

● Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетиде қадимий шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида «Адолат» социал демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаоллари иштирокида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

● Жиззах вилоятидаги «Маънавият ва маърифат маркази»да «Кудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусида суратлар кўргазмаси очилди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида ёш бастакорларнинг республика танлови бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ кўмитасининг Солиқ академиясида «Баркамол авлод — миллат таъғичи» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

● Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳридаги 36-умумтаълим мактабиде бўлиб ўтган адабий кеча бу йил таваллудининг 180 йиллиги нишонланадиган қорақалпоқ мумтоз адабий ўғлининг асосчиларидан бири Бердак Қарғабой ўғлининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланди.

ЖАҲОНДА

● Хитой Америка технологияларини харид қилиш учун 4,3 миллиард доллар сарфлашни режалаштирмоқда. Жорий ойда Хитой ҳукумати шу масала бўйича расмий Вашингтон билан музокаралар ўтказишни режалаштирмоқда.

● Яқшанба куни номаълум жангари Фазо секторида «Фатх» ҳаракати етакчиларидан бири Баху Абу Жарадни отиб кетган. У оғир ярдор ҳолатда шифохонага олиб келинган ва кейинроқ вафот этган.

● Сарик денгизда Жанубий Корея ва Хитойнинг икки кемаси бир-бири билан тўқнашиб кетди. Тўқнашув натижасида Жанубий Корея кемаси бортида оғир юк бўлганлиги сабабли чўкиб кетган. Айни пайтда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Ироқда жангарилар уч нафар америкалик ҳарбийни гаровга олишган. Ушбу маълумотни Америка қўмондонлиги ҳам тасдиқлади. Бундан ташқари Махмудияда бўлиб ўтган тўқнашувда тўрт нафар АҚШ ҳарбийси ва бир нафар ироқлик таржимон ҳалок бўлган.

● Самоя (Тинч океани) давлати раҳбари Малието Танумафили II оламдан ўтди. У 1963 йили Самоя Тинч океани давлатига асос солган ва унинг умрбод раҳбари этиб тайинланган эди.

● Россиянинг Оренбург вилояти Орск туманидаги кафелардан бирида қучли портлаш юз берди. Хабарларга кўра, бино вайроналари остидан ўн нафар кафе ҳодимлари ва миждозлар жасади топилган.

● Ливия Президенти Муҳаммад Каддофий қутилмаганда оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Шифокорларнинг айтишича, 64 ёшли Каддофийнинг мия тизими қон айланишида салбий ўзгаришлар кузатилган.

● Арманистонда навбатдаги парламент сайловлари бўлиб ўтди. Аввалги сайловлардан фарқли ўлароқ бу гал фақат республикада яшовчи сайловчиларгина ушбу жараёнда иштирок этди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 16 май куни Тошкентда ҳаво ўзағариб туради, ёғин-гарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-17, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.



Универсиада — 2007

ПОЙТАХТИМИЗ ЖАМОАЛАРИ ТАРКИБИДА КИМЛАР БЕЛЛАШАДИ?

21-24 ИЮНЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА «УНИВЕРСИАДА-2007» МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ. МАЗКУР СПОРТ БАЙРАМИДА 12 ТА ВИЛОЯТ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ҚАТНАШАДИ.

Мамлакатимиз Президентининг таъбири билан ишлаб чиқилган ўқув-воспиталовчи спорт мусобақалари тизими - мактаб ўқувчилари учун «Умид низоҳлари», ўрта махсус ўқув юртлиги ўқувчилари учун «Баркамол авлод» ҳамда талабаларнинг «Универсиада» ўйинлари том маънода тарбиявий жараёнинг ноёб модели деб эътироф этилган.

Шу билан бирга «Умид низоҳлари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинларида кўп қатмарли спорт турлари камраб олинишни инобатга оладиган бўлса, мазкур тизим бежиз «Кичик Олимпиада» дея ном тарафдорлигини аниқлаш қийин эмас.

лейбол, кўл тўпи, енгил атлетика, сузиш, теннис, стол тенниси, шахмат, футбол каби 12 спорт тури бўйича ўтказилади. Талабаларнинг илк спорт ўйинлари 2000 йилда Наманган шаҳрида, 2002 йилда — Бухорода бўлиб ўтган. 2004 йилда

Универсиада мусобақаларини қадимий ва навқирон Самарқанд қабул қилди. Жорий йил 21-24 июнь кунлари ўтказилган «Универсиада — 2007»га Тошкент шаҳри мезбонлик қилади.

Айни пайтда пойтахтимизда ўшбу спорт байрамга қизгин тайёргарлик кетмоқда. Жумладан, институтлар қошидаги спорт мажмуаларида жамоаларни шакллантириш жараёни ҳамда ўқув машқари давом этмоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, аввалги йиллар каби, бу сафар ҳам кўп қатмарли жамоалар таркибидея ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг (УДЖТИ) талабалари иштирок этиши кутилмоқда.

Анъаналарга қўра, универсиадада йўлланмани кўлга киритиш учун дастлаб иккита саралаш босқичини ўтатиш зарур, — дейди институт спорт клуби раиси Шерзод Шожаалиев. — Биринчи босқичда мусобақаларда институтимизнинг де-

ярли 95 фоиз талабалари иштирок этиди. Олий ўқув юртлиги ўртасида бўлиб ўтган беллашувлар натижаларига қўра, Ўзбек Давлат жисмоний тарбия институтининг тахсил олаётган ёшларимиз футбол, кўл тўпи (қизлар орасида), сузиш, ен-

камиз бош шаҳри шаънини муносиб ҳимоя қилдилар.

Эслатиб ўтамоқ, 2004 йилда бўлиб ўтган универсиада мусобақаларида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи ўринни, Самарқанд — иккинчи ва Наманган — учинчи ўринни эгаллаганди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг талабалари таркибидея пойтахт футбол жамоаси эса энг юқори поғонага кўтарилган.

УДЖТИнинг спорт ўйинлари ва яқна кураш — иккита факультетда 1700 дан зиёд ёшлар тахсил олса, аксарияти энг камидея спорт устаси уновоғига сазовор бўлишга улгурган.

Институтда ташкил этилган музей талабаларнинг ҳам бирдиди фахридоридир. Бу ерда мазкур даргоҳ тарбияланувчиларининг бир неча йиллар давомида эришган ютуқларини намойён этувчи муқофотлар — медал ва дипломлар ўрин олган. Албатта, ҳар бир экзопонат ўз тарихига эга ва шу билан бир республикамизнинг спорт кудрати ривожига кўрсатиш муболага бўлмади. Шу кўларда эса музейга институтининг айниқса кўл тўпи усталари тез-тез кириб, яқши



аёл аввал шундай қиларди, шошиб пешовз чиқарди. Очқ чехра билан кутиб олади. Энди фарзандлар ундан ошди. Ота тўғри ота-онасининг ҳузурига кириб хол-аҳвол сўради. Очқ чехра билан, меҳр билан онанинг юзидан ўлиб қўйди. Фарзандлар кўз ўнгидея содир бўлди бу оқибат. Қарангки, бу оилада фарзандлар ота-онанинг жанжаллини, буви ва онасининг «санман»ни кўрмаган.


«МЕҲР НУРИ» МУРУВВАТИ

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА «МЕҲР НУРИ» ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТДАГИ 1-СОНЛИ ШАҲАР СИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОХОНАСИ ҲАМДА ГЕМОТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИНСТИТУТИ БИНОСИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ.

«Меҳр нури» хайрия жамғармаси соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, беоморларга қулайликлар яратиш борасида бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, жамғарма ташаббуси ва ҳимойлар ёрдамида пойтахтдаги тиббиёт муассасалари қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилмоқда.

Қисқа вақт ичидея замон талабалари асосида тўлик қайта реконструкция қилинган тиббиёт муассасасининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар шифо масканинида шифокор ва мутахассислар учун жуда катта имкониятлар яратилганини таъкидлашди. Бу ерда беоморларни даволаш ва ташхис қўйиш учун ултра овоз ҳамда ЭКГ аппаратлари, операция столлари ва наркоз аппаратлари ўрнатилган.

1-сонли шаҳар сил касалликлари шифохонаси ҳам қисқа вақт ичидея тўлик қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Тўқсон ўринга мўлжалланган шифохонанинг жарроҳлик, терапия, гистолог лабораторияси каби ўнга яқин бўлимлари шифокор ва беоморлар учун қулай қилиб замон талабалари асосида таъмирланди.



САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мейморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини кўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келётган ийрик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Ўйлашимизки, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўйиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўллаб топилди.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАКАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ: СТИР: 206849483 МФО: 00423 X/p: 20212000604589442001 АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

ПАСПОРТЛАР ТОПШИРИЛДИ

9 МАЙ «ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮНУСОБОД ТУМАНИ ИИБ ХҲК ВА ФРБ ТОМОНИДАН ПОЙТАХТДАГИ «МУСТАҚИЛЛИК» МАЙДОНИДА 60 НАФАР 16 ЁШГА ТЎЛГАН УМИДЛИ ЁШЛАРГА ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ.

Маросимда илк бор фуқаролик паспортини кўлга олган ёшлар орасида мактаб, коллеж ўқувчилари билан бирга меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди.

«Хотира ва Қадрлаш куни» олдидан «Мустақиллик» майдонида ёшларга фуқаролик паспортининг берилишида катта маъно бор, — дейди Юнусобод тумани ИИБ ХҲК ва ФРБ бошлиғи ўринбосари майор Мансур Саидов. — Келажакда катта умид билан интилайтган ёшларнинг «Мустақиллик» майдонида фуқаролик паспортини олишлари ҳаётларида унутилмас кун бўлиб қолиши билан бирга, келажакда она, Ватанга меҳрли, садоқатли шахс бўлиб етишишларига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Таъкидлаш лозимки, тумандаги ёшларга фуқаролик паспортини топшириш маросимлари мактабларда, меҳрибонлик уйлари ва милиция таъни пунктларида ҳам ўтказилган.

Қизим Севаранинг Ўзбекистон фуқароси паспортига эга бўлганидан жуда бахтлиман, — дейди хурсандчилигини яшира олмаётган Малика опа Усмонова. — Айни пайтда қизим Юнусобод туманидаги 258-мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси. Мактабни битирган, Шарқшунослик институтинида ўқишни давом эттиришни ният қилган. Фарзандимнинг камол топиб юртимизга хизмат қилганидан шахс бўлиб етишишида бор билимимиз ва тарбиямни аямаяман.

Алимжанов Маҳмуд ҳам шу кунли илк бор фуқаролик паспортига эга бўлди. У Тошкент алоқа касб-хунар коллежининг биринчи курс талабаси.

Пойтахтнинг қоқ маркази бўлмиш «Мустақиллик» майдонида, «Хотира ва Қадрлаш куни» олдидан байрамона кайфият билан фуқаролик паспортини олиш менга она-Ватанимга садоқатли фарзанд бўлиш ва келажакда ўз касбини етук мутахассиси бўлишга кўмак беради, — дейди Маҳмуджон.

ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОНГА САҒАР

ҚОЗОҒИСТОННИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАР ВА ХАЛҚАРО ШАХСАТЛАРГА РАҲБАРЛАРИ УЧУН ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ВИЛОЯТИГА ТАНИШТИРУВ САҒАРИ УЮШТИРИЛДИ.

Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасидан маълум қилишларича, сағар қилган гуруҳ таркибидея дунёнинг 25 та давлатининг элчилари бор эди. Дипломатлар билан Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокими Умирзоқ Шукеев учрашди. У меҳмонларга вилоятнинг ўтган йилги ривожланиш аҳолиси, шунингдек, вилоятда амалга оширилган янги лойиҳа ва дастурлар ҳақида сўзлаш берди.

Дипломатлар икки кунлик сағар давомида Хожа Аҳмад Яссавий, Аристон Бобо мақбарасини зиёрат қилишди. Шунингдек, Отырар ва Сауран тарихий шаҳарчаларида бўлишди. Меҳмонлар биринчи қозоқ дипломати Назир Тўрақулов музейини ҳам бўлишди. Туркистон шаҳридаги «Достық» боғида дарахт ўтказишди.

«Туркистон-пресс»

15 май — Халқаро оила куни

ОИЛА — МАЪНАВИЯТ КЎЗҒУСИ

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРҒОҲ. У МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН, КАТТА БИР САЛТАНАТДИР. ОИЛА ШУНДАЙ БИР САЛТАНАТКИ, УНИНГ ЎЗ ҚОНУНЛАРИ, ШОҲУ ВАЗИРИ БОР. БУ САЛТАНАТНИНГ ҲАР БИР ФУҚАРОСИ ЭСА БУ ҚОНУНЛАРГА БЎЙСУНМОҒИ, ҲУРМАТ ҚИЛМОҒИ ДАРКОР. АКС ҚОЛДА ОИЛА ТАНАЗУЛГА ЮЗ ТУТАДИ.

Оила кичик бир жамият, лекин у катта бир жамиятнинг негизи, мустаҳкам пойдевори. Пойдевори бўш иморат мўрт бўлгани каби, оиладаги ноҳус муҳит жамият раванқига соя солади. Оила меҳр-муҳаббат интихоси эканлиги барча миллатларга хос. Оила ўзбек халқи учун жуда муқаддас саналади. Оила мустаҳкамлигини, барқарорлигини ва фаровонлигини таъминлаш миллатимиз учун муқаддас бурч ҳисобланади. Ўзбек халқи оилапарвар, болажон халқ. Нафақат фарзандлари, балки набаирлари учун ҳам елиб-югурди, гамжўрлик қилади. Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Оилада энг улғу неъмат, инсон қалбининг гавҳари ҳисобланмиш — маънавият шаклланади. Оила маънавият маскани, бустони ўчоғидир.

Маънавият қалб кўзғуси, руҳ тарбияси. Бир сўз билан айтганда, маънавият — оила кўзғусидир. Чунки маънавият оиладан бошланади. Ҳеч бир инсон йўқлиги, бу дунёга ёмон хулқ билан келса. Оллоҳ барча жонотлардан фарқи равишда ёлғиз инсонларгагина эзгуликка интилиш, гўзалликни кўра билгил, яхшиликни ҳис этиш тўғрисида ато этган. Лекин бу тўғру ҳаёт давомида ё ривожланади, ёки нотўғри тарбиямиш самараси ўлароқ завол топади.

Фарзандга маънавиятни синдириш, уни маънавиятчи қилиб тарбиялаш жуда оғир иш. Бунинг учун аввало ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлмоғи даркор деб бежиз айтилмаган.

...Субҳ оқармаган. Уй бекаси ўзини оролаб, ховлига чиқди. Кўча, ховлиларга сув сеппи орасталди. Ховли жамбулу райхонлар

ифорига, гулларнинг тароватига бурканган. Эътиборли, саришта аёлнинг диди сезилиб турибди. Аёл чой тайёрлаб, фарзандларини меҳр билан уйғотди. Ҳурмат билан кайнона-кайнотасига салом бериб чойга чиқди. Барча дастурхон атрофига жам бўлди. Фарзандлар тавозе билан салом бериб ўтиришди. Ховли саҳнида мусичлар одамдан-да хайкам дон териб юрибди. Ота мусичларни келзофта қилмай айланиб ўтди. Фарзандлар қалбидея жониворларга меҳр уйғонди.

Чойдан сўнг оилага кут-баракча, элга тинчлик-омонлик тилаб фотиҳа ўқилди. Ҳеч ким ҳеч кимга қовоқ солмаган, зарда қилмаган, бақириб чакирмаган. Ҳамма бир-бирига хайрлик тиланган ҳолда иш ўқишга йўл олди. Хатто бува-буваларидан дуо олиб кетишни ҳам унуттирмади.

Кеч кирди. Аёл овқатга унган. Фарзандлар бири бири билан сулғурган, бири сув сеппан, бири уқасини уйнатган. Ҳар ким ўз иши билан банд. Ортикча овоз, иш буюриш, ишни сансалорлик қилишлар йўқ. Чунки ишлар адолатли бўлиб берилган, ҳар бир иш якуни рағбатлантириб турилади. Рағбат, эътибор, талаб тенг бўлган ҳойда оила аъзолари бир-бирини ютувидан қувонади. Ҳеч бири бир-бирини олдида камситилмайди, айби фақат ўзига айтади.

Ота ишдан қайтди. Фарзандлар пешовз чиқди. Ота на чарчаб келганини пеш қилди, на жеркиди, на аёлига жадл, на фарзандларга қаҳр қилмади. Шунданмиқан, фарзандлар унга талпинишди. Ота меҳр билан болаларига қараб қўйди. Бири кўлидан нарсасини олган, бири оёқ кийимини тозаллаб олиб қўйган, бири сув тутган, бири сочиқ келтирган. Нега, чунки

Шаҳноза УБАЙДУЛЛАЕВА

ШУКРОНАЛИК

таъминлашда юрдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб, жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризку насибасини узагалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидоиликларини ҳеч қачон унутилмайди.

Утган даврда бу айёмни байрам қилиш юртимизда истикомат қиладиган барча миллат ва эл-халқ вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чо-

ғида қадрлашдек ана шу ҳаётий қарашлар эл-юртимизнинг қон қонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юрдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айлангани катта воқеадир.

—Юртбошимизнинг инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт, айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга оломок, қадрламоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарз, деган пурҳикмат сўзларини эшитганимда, кўнглим тўлиб, кўзимдан шукроналик ёшлар оқди, —дейди Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, «Октепа» маҳалласида исти-

комат қилувчи Сабур ая Салоҳуддинова.—Юртимизда ўтганлар хотираси ҳаммаша эъзозланиб, тирикларнинг, айниқса, ёши улғуларнинг ҳурмат эҳтироми жойига қўйилаётгани биз, кексаларнинг кўксини тоғдек кўтарди. Шукрки, беш фарзандим, 20 наварга, 7 чеварам мени ёлғизлаб қўймади. Улар доимо атрофимда парвона, хизматимиз ҳозир нузир.

Ая фарзандларидан, яқинларидан миннатдор, миндан-минг рози. Ахир, шуларни деб вшаъти ва бу ҳаётда нимаики яхшилик кўрган бўлса, шулар туфайлидир. Улар аяни эъзозлаб, қадрламоқда, хонадонлари фаршшаси—кекса оналари борлигидан қадлари баланд. Яратганининг инояти би-

лан, эл-юртнинг оқ фотиҳаси, қолаверса, болаларининг аҳил-иноқлиги йўл очиб, раҳматли турмуш ўртоғи ҳам, аянинг ўзи ҳам Ҳаж зиёратини адо этиш бахтига муяссар бўлди.

Ҳа, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкамланмоқда. Аслида ҳам хотира ва қадрлаш—инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўтган аждодларини доимо хотирлайди ва жони омонларнинг қадрига етади.

Малоҳат РАҲМОНОВА

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҚОШИДА ҚОРХОНАЛАРДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Айни пайтда янги марказ учун тренерлар БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси доирасида Халқаро савдо маркази билан ҳамкорликда тайёрланмоқда.

Марказнинг асосий вазифаси корпоратив бошқарув самардорлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини

кўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган ахборот олиш имкониятини кенгайтириш ҳисобига қорхоналарнинг серда-ромодлигини таъминлашдан иборат.

Масаланинг долзарблиги корпоратив бошқаруви соҳасида мутахассислар етишмаслиги билан изоҳланади. Савдо саноат палатаси тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг кўп қатмарли қорхоналарида ҳамон бошқарувнинг эскирган усулларидан фойдаланилмоқда. Компаниялар ҳар доим ҳам рақобат муҳитини, бизнес ривожини истиқболларини профессионал жиҳатдан таҳлил қила олмайд.

Бизнес бошқарувини

мулкдорлардан ёлғизлик менежерларга ўтказиш масаласи ишбилармонлар ҳамжамияти томонидан биринчи марта муҳокама этилаётгани йўқ. Менежмент назариячилари 20 йиллик муддатдан сўнг компаниялар бошқарувида ўзгаришлар бошланишини таъкидлашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистондаги кўп қатмарли қорхоналарда корпоратив бошқарува бўлган қизиқиш сезиларли даражада фаоллашайтгани кўзатишмоқда.

Мамлакатимизда жорий йилнинг март ойидан Халқаро савдо маркази томонидан тренерлар тайёрлаш бўйича олти ойлик таълим дастури амалга оширилмоқда. Дас-

тур бўйича тайёрланган тренерлар миллий таълим марказида компаниялар мутахассисларидан малакали менежерлар тайёрлашади.

Тошкентда бу дастурни соҳа экспертлари иштирокидея беш кунлик семинар-тренинг бошлаб берди. Унинг тинловчилари қорхоналарда корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва соҳага доир йўналишлар бўйича маърузалар тинглад.

Мазкур дастур давоми сифатида шу йилнинг 10-16 май кунлари компаниялар мутахассис ва менежерлари учун семинар тренингнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. Унда таълимнинг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган компания мутахассис ва менежерлари қатнашмоқда. «Туркистон-пресс»


МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН БЎШ ИШ ҲАМДА ЯРМАРКАЛАРИ АЙНИ ШУ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

ДЕПОГА БЕРИЛГАН ИҲТИМО

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан йигирмага яқин меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Уларда уч юз элликдан ортиқ қорхона ва ташкилот ўзларининг қозлаб бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Иш сўраб мурожаат қилганларнинг қарийб бир ярим минг нафари иш билан таъминланди. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлардир.

Учтупа тумани меҳнат бўлими томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида қатнашиб, 2-трамвай депосига йўлланма олдим ва ҳайдовчи бўлиб ишга жойлашдим, — дейди Абдумалик Тўхтамуродов. — Ҳозир ишларим жуда яқин. Бундай бўш иш ўринлари ярмаркалари пойтахтимизнинг барча туманларида мунтазам ўтказилмоқда.

Холмурод САЛИМОВ, Ўза муҳбири



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Кай тарафга борма излаб роҳатинг,
Шул тараф келгай изингдан офатинг.

Бир хазина борму ул дом бўлмагай,
Гўрдин ўзга ерда ором бўлмагай.

Одамийнинг улфати эрмиш хаёл,
Гар хаёли хуш эрур, соҳибжамол.

Ул бировдирким, магар наздингда мор,
Лек бировнинг наздида шириннигор.

Этса акс кофир хаёли сенда гар,
Бошқада мўмин хаёли акс этар.

Битта шахс кўзга кўрингай инчунун,
Гоҳ тўлин ойидир назарда, гоҳи тун.

Суфрага ўлтирса очкўз, муттахам,
Бошқаларга қолмагай бир луқма ҳам.

Ўғри кийсин минг либоси афзалин,
Кўлга тушган чоғда кесгайлар кўлин.

Маъшуқа улдирик, гар ёғдуси бор,
Ошиқ улдириким, магар туйғуси бор.

Ҳеч киши гайри гуноҳин чекмагай,
Йиғмагай ҳосилни, токи экмагай.

Тамаъ хомдир, емагил хом, эй ўғил,
Хом емак инсонга иллат келтирур.

Ишла сен, то ишга тан қодир эрур.

Касби-коринг ганж йўлин тўсгаймۇ ҳеч,
Ишла, ул келгай изингдин эрта-кеч.

Ахли дунё кўнглига хушлик тилар,
Кўнглихушлик излаб, оташда улар.

Толиби зардир тамом олам эли,
Зар нима, нозар нима, билмас вале.

Чикма йўлга якка, йўлни билмасанг.

Шабпарак эрмас адуви офтоб,
Ўз-ўзига душман ул, киймиш ҳижоб.

Душман улдирик, келур ундан азоб.

Мен фалонийдин нечун камман дема,
Кўй ҳасадни, пасту бадбахтман дема.

Ул ҳасад—нуксонун айбу шарр эрур,
Жумла иллатдин ўшал баттар эрур.

Бул жаҳонда излабон зебо хусн,
Англадим мен: яхши хулқ—аъло хусн.

Кимда бўлса яхши хулқ, топгай нажот,
Ким кўнгил овораси—майдонда мот.

Ўтки, ул олтин, темирни эритар,
Олма, беҳи пишмаган, гўр эрса, бас,

Унга бас жиндак ҳарорат, ўт эмас.

Қайда зар эрса, илондир посбон.

Кўзни қиссанг, кўш кўрингай кўзга ой.

Ҳар киши кўрсайди ўз айбин аён,
Ўзни ул ислоҳ этарди ҳар замон.

Аввало келгай фикр, сўнгра амал,
Бўйла қурмиш мулки дунёни азал.

Мева аввал фикру кўнгилда битар,
Сўнг оғочда ўзни ул зохир этар.

Суврат изларсен, агар ғофил эсанг,
Гавҳар изларсен, агар оқил эсанг.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган

Кўрғазмалар

ТАСВИРЛАРДА ОНА ЮРТ ИЛҲОМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙНИНГ КўРҒАЗМАЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ОНА ЮРТИМ» МАВЗУСИДА «ХОТИРА» БАДИИЙ КўРҒАЗМАСИ ОЧИЛДИ.



Мазкур кўрғазмада 16 муаллиф— таниқли фахрий рассомлар ва уларнинг шогирдлари томонидан яратилган қирққа яқин бадиий ишлар намойишга қўйилган. Жумладан, уруш қаҳрамони Самғи Абдуллаевнинг «Автопортрет»и, Валентин Родиннинг «Танклар ҳужуми», Василий Лисовнинг «Сўнгги хат», Анатолий Слугиннинг «Ангрен кўмир ҳавзаси», Иқром Баҳромовнинг «Оила-Уруш йиллари», Бахтиёр Маҳкамовнинг «Қорахат» каби бадиий асарларида иккинчи жаҳон уруши йиллари тарихи мўйқалам орқали жонли ифода этилган. Шунингдек, Раим Шарофудиннинг «Қаҳрамонлар хибони», Рафаэль Матевосяннинг «Сен менинг қалбимдасан», Елена Шубинанинг «Қалб нидоси», Александр Батиковнинг «Тинч Ўзбекистон» асарлари танланган мавзунинг долзарблиги билан бугунги ҳаётимиз қадрга етишимиз кераклигини томошабин ёдига солиб турибди.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур кўрғазмадаги тасвирий санъат асарларини таниқли рассомлар Муборак Йўлдошев, Владимир Зайцев, Валерий Утешов, Геннадий Серов, Рустам Аюповларнинг юртимиз гўзаллигини ифода-лайдиган ажойиб натюрморт ва манзаралари тўлдириб турибди. Шуниси диққатга сазоворки, музей экспозицияси яна бир янги экспонат билан бойиди. Таниқли рассом Ваҳоб Зияев ўзининг «Тўйчи Эргитовнинг жасорати» бадиий асарини музейга совға сифатида тақдим этди.



Нозима АКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар.
Владимир Гранкин олган суратлар

Санъат

РАССОМНИНГ ИБРАТИ ТАДБИРИ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМЕРИКА ЯХУДИЙЛАР ҚУМИТАСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ҚОШИДАГИ «ДЖОЙНТ» БИРГАЛИҚДА ТАҚСИМЛАШ ТАРКИЛОТИДАН НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ «ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИНING КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ ТАНИҚЛИ МУСАВВИР НАВОИЙ УСМОНОВ НОМИГА ТАШАККУРНОМА КЕЛДИ.

Унда рассом томонидан ижтимоий дастурни амалга ошириш—«Хесед» ташкилоти биносидан ўтказилган учрашув—кўрғазма ҳамда мазмунли суҳбат тўғрисида илиқ фикрлар билдирилган: «Ушбу тадбирда иштирок этган бизнинг қаромғимиздаги-иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат уруши фахрийлари ва ноғиронлари, собиқ фашизм жабрдийдалари, гетто тутқунлари, ёлғиз қариялар сиздан жуда миннатдор. Улар учун ўтказилган учрашув ва кўрғазмангиз ҳар бир киши руҳига ёруғлик, шукўҳ ҳиссини бағишлади», деган мазмундаги сўзлар битилган.

Кўрғазмада намойиш этилган манзара, натюрморт ҳамда портрет жанрида яратилган асарлар асосан мейбўёқда матога ишланган бўлиб, мусаввир ижодининг энг сара намуналаридир. Рассом йил давомидан яна бир неча марта шундай кичик шахсий кўрғазмаларни томошабин-санъатсеварлар эътиборига ҳавола этмоқчи.

—Бундай тадбирлар «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган шахсий дастуримнинг бир қисmidир,— дейди рассом.—Ундан тасвирий санъат тарғиботига оид маърузаларим ҳам ўрин олган.

Баҳром ТОЖИБЕВ

ҚИРҒИЗИСТОН ПОЙТАХТИ БИШКЕК ШАҲРИДА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲАМЮРТИМИЗ БАҚОБЕК ЯНГИБОВГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Юнон-рум кураши

ҲАМЮРТИМИЗ — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Қитъамизнинг номдор полвонлари иштирокида уюштирилган халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Бақобек Янгибоев 74 килограммгача бўлган вазнлилар баҳсида энг маҳоратли полвон эканлигини исботлаб барча рақиблари курагини ерга теккизди ва олтин медал соҳибига айланди.

Бошқа вазн тоифалари ғолиблиги эса Қозоғистон, Қирғизистон ва Жанубий Корея давлатлари вакилларига насиб этди.

ЎТГАН ОЙНИНГ 14-СНАСИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ИВА ЙЎНАЛИШИ СУПЕРОФИР ВАЗНИДА НИКОЛАЙ ВАЛУЕВНИ ЕНГИБ ОЛТИН КАМАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН РУСЛАН ЧАГАЕВ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР ҲАМОН ХОРИЖ МАТБУОТИДА ЧОП ЭТИЛИБ ТУРИБДИ.

Бокс

МУНОСИБ БАҲО

Энг муҳими мутахассислару мухлислар ҳамюртимизнинг маҳоратли боксчи эканлигига тан беришмоқдалар.

Россияда нашр этилган «Спорт—экспресс» газетаси аъёнага содиқ қолган ҳолда ўтган ойнинг энг яхши боксчиси номини эълон қилди. Шуниси эътиборлики, ўзига хос тадқиқотлар якунида апрель ойининг энг яхши боксчиси номини Руслан Чагаев қўлга киритди. Дарвоқе, ўтган ойдаги энг қизиқарли ва муҳим беллашув сифатида Валуев—Чагаев баҳси эътироф этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ЁМОНЛИКЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙДИК

16 МАЙ, ЧОРШАНБА
Бугун Кўёш Бузоқ буржининг 26-даражасига ўтганида одамларда мулойимлик, осойишталик, тотувлик ва хотиржамликка мойиллик устувор бўлади.

Кўёш тақвимининг бугунги кунини одамлар орасида одоб ва ҳушқаволикка қатъий риоя этиш керак.

Ёмонлик, зуравонликнинг ҳар қандай қўриқларига бефарқ, лоқайд қараш мумкин

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппаратида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади.

Ҳар ойда бажарган ишига қараб, ўртача 250-300 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун қўйиладиган талаблар:

—Олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;
—Компьютердаги мавжуд дастурларда мукамил ишлай оладиган ҳамда мустақил равишда дастурлар тузиш қобилиятига эга бўлиши;
—Ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларни билиши керак.

—Танлов комиссиясига

тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (Сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. (Главпочтамт биноси).

Мурожаат учун телефон: 137-49-51.

«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Ҳурматли абонентлар!

Тошкент шаҳри телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш режасига мувофиқ қуйидаги АТСлар 360, 361, 362, 363, 364, 367, 368, 369, 390, 391, 392, 393, 395, 396, 397, 398, 399нинг «3» индексли рақамларини «2» индекслига алмаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзгартириладиган телефон рақамлари ва муддатлари:
3637700 — 3639799 2007 йил 25 апрелдан 2157700 — 2159799 га ўзгартирилди.
3970000 — 3979999 2007 йил 2 майдан 2470000 — 2479999 га ўзгартирилди
3950000 — 3959999 2007 йил 11 майдан 2450000 — 2459999 га ўзгартирилди.
3997000 — 3998999 2007 йил 15 майдан 2287000 — 2288999 га ўзгартирилди.
3960000 — 3969999 2007 йил 21 майдан 2460000 — 2469999 га ўзгартирилди.
3670000 — 3679999 2007 йил 28 майдан 2770000 — 2779999 га ўзгартирилди.

Маълумотлар ТSНТТ www.tshtt.uz сайтида мавжуд.
Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар хизмати — 09, 009.
Маълумотлар хизматидаги шаҳарлараро кўнгирак қилиш — 3711355018, 1351052, 1352064.
Маълумотлар хизматидаги халқаро кўнгирак қилиш — 1099871, 1355018, 1351052, 1352064.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 11 май №89-сонидан чоп этилган эълондаги ўзгартириладиган телефон рақамлари ва муддатлари:
3637700-363-97-99 2007 йил 25 апрелдан 2177700-2159794 га деб ўзгартирилди ўрнига 3637700-363-97-99 2007 йил 25 апрелдан 2157700-2159799 га ўзгартирилди деб ўқилсин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 406

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусхада босилади. Қозoғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.